

Qishloq hayoti

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IJTIMOY-IQTISODIY GAZETASI

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

2024-yil 25-iyul, payshanba

№ 30 (9298)

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti_gazetasi

Янги китоб

“ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН”

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Ўзбекистон” нашриётида чоп этилган янги китоби шундай деб номланади.

Ўзбекистоннинг бутунги янги қиёфаси, мамлакатимизнинг жаҳон тараққиётида тутган ўрни ва мавқеи, муҳим халқаро ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштироки, долзарб масалалар бўйича илгари сураётган кўлаб ташаббусларнинг мазмун-моҳияти ушбу кенг қамровли, фундаментал асарда чуқур таҳлил ва далиллар, аниқ фикр-мулоҳазалар асосида теран ёритиб берилган.

Муаллифнинг кўп йиллик ижтимоий-сиёсий қарашлари, воқеликка янгича ва теран ёндашувларининг маҳсули бўлган китоб кўйидаги сўзлар билан бошланади:

“Тарих синовларидан ўтган ҳақиқат шуки, ўзини ўзгартиришга қодир бўлган, вақтни – имкониятга, имкониятни ютуққа, ютуқни тараққиёт пойдеворига айлантира олган халқ – буюк халқдир.

Бундай халқ, ҳеч шубҳасиз, ҳаётни ҳам, ижтимоий муҳитни ҳам ўзгартира олади, кўзлаган мурод-мақсадларига албатта эришади.

Мен ана шундай улугъ эътиқод билан яшаётган халққа раҳбар бўлиб, одамларни ҳаётдан рози қилиш, уларнинг қалбидagi эзгу орзу-умидларини рўёбга чиқариш йўлида хизмат қилишни ўзим учун улкан шараф ва масъулият деб биламан”.

Дарҳақиқат, Президент Шавкат Мирзиёев серқирра фаолиятининг маъно-мазмунига айланган, кейинги етти йил давомида мамлакатимизда олиб борилаётган барча ислохотларнинг

марказида бўлиб келаётган миллий мустақиллигимизни ҳар томонлама мустаҳкамлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш, одамларни ҳаётдан рози қилиш, инсон қадрини улуғлаш каби эзгу тушунчалар мазкур китобнинг бош ғояси, асосий лейтмотивини ташкил этади.

Ҳеч шубҳасиз, давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган, Янги Ўзбекистонни барпо этиш стратегиясининг туб мақсади ва негизиди мужассам бўлган ғоя ва интилишлар бутунги кунда мард ва олижаноб халқимизнинг фидокорона меҳнати, ақл-заковати билан реал воқеликка айланиб бормоқда. Китобни мутолаа қилиш жараёнида бу ҳақиқатни янада чуқур ҳис этамиз ва мана шундай тарихий ўзгаришлар даврида бу улугъвор ўзгаришларнинг нафақат гувоҳи, балки фаол иштирокчиси бўлиб яшаётганимиздан албатта фахрланамиз.

Жами 6 бобдан иборат китобнинг “Инсоният танлаган барқарор ривожланиш йўли” деб номланган дастлабки бобида муаллиф ўқувчи эътиборини ҳозирги замондаги асосий хавф-хатарларга қаратади. Бу таҳдидларни келтириб чиқарган омилларни атрофлича таҳлил этиб, уларни бартараф қилиш бўйича аниқ амалий ечимларни таклиф этади.

Асарнинг “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат” деб номланган иккинчи боби мамлакатимизда ижтимоий соҳада амалга оширилаётган улкан ишлар ва уларнинг натижалари таҳлиliga бағишланган. Муаллиф таълим, тарбия, илм-фан ва маданият, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, хусусан,



камбағалликка қарши курашиш, соғлиқни сақлаш ва спорт масалалари бутунги кунда Ўзбекистонда инсон қадрини юксалтириш, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ҳаётини манфатларини таъминлашга қаратилган муҳим ислохотларнинг ажралмас бир қисмига айланиб, аниқ самара бераётганини ҳаётини мисоллар орқали кўрсатиб беради.

“Менинг энг катта ниятим – мамлакатимизда камбағаллик ва ишсизликка бутунлай барҳам беришдир, – деб ёзади Президентимиз. – Шундай кунлар келишига ишончим комил ва бунинг учун бор куч ва имкониятларимни, борлигимни бағишлашга тайёрман”.

(Давоми 2-саҳифада)



Сарҳисоб

ЎЗАГРОЛИЗИНГ:

ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРИГА ЧИҚИШДАГИ ЮТУҚЛАР НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

Республикаимиз қишлоқ хўжалиги корхоналарини замонавий ва юқори унумли техникалар билан таъминлаш вазифаси “Ўзагролизинг” акциядорлик жамияти фаолиятининг асосини ташкил этади.

Акциядорлик жамияти бу борада ўз йўналиши бўйича дунёда етакчи ўринларни эгалловчи қатор қишлоқ хўжалиги техникаси ишлаб чиқарувчилари билан узвий ҳамкорлик қилиб келмоқда. Хусусан, “Ўзагролизинг” АЖ ташкил этилганидан буён ўтган 24 йил давомида қарийб 90 мингдан зиёд, 6 трлн. сўмдан ортиқ қишлоқ хўжалиги техникалари лизинг асосида етказиб берилган бўлиб, аграр соҳани замонавий қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш орқали механизация даражасини оширишга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)

Халқаро конференция

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ ПАРВАРИШИГА БАҒИШЛАНДИ

Кучи кеча Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказида корейлик нуфузли олимлар иштирокида “Қишлоқ хўжалиги экинларини инновацион технологиялар ёрдамида тўғри парваришlash ҳамда вирус ва касалликлардан самарали ҳимояlash” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди.

Конференцияни Қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари Алишер Шукуров кириш сўзи билан очиб, соҳани ривожлантириш, илмий тадқиқотларда юқори натижаларга эришишда дунёнинг ривожланган давлатлари билан яқин ҳамкорлик қилиш кутилган натижани бераётгани, шунингдек, бу каби халқаро конференцияларнинг ташкил этилиши соҳа олимларининг ўзаро мулоқотида муҳим платформа вазифасини бажарётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗСАНОАТҚУРИЛИШБАНК ЛОНДОН ФОНД БИРЖАСИДА НАВБАТДАГИ ХАЛҚАРО ОБЛИГАЦИЯЛАРИНИ ЖОЙЛАШТИРДИ

Ўзсаноатқурилишбанк Ўзбекистон банк тизими тарихида биринчи марта Reg S ва 144A форматларида Лондон фонд биржасининг асосий бозорида АҚШ доллари ва ўзбек сўмида навбатдаги халқаро облигацияларини жойлаштирди. Бу нафақат Европа, балки АҚШ, Яқин Шарқ, Жануби-Шарқий Осиё ва бошқа худудлардан ҳам янги инвесторларни жалб қилиш бўйича марррани забт этишга имкон беради.

Лондон шаҳрида жорий йилнинг 12-16 июль кунлари 60 та нуфузли инвестор билан музокаралар олиб борилди. Тақдимот ва музокараларда банк раҳбарияти томонидан инвесторларга республикаимиздаги орта қайтмас иқтисодий-ижтимоий ислохотлар, банк-молия тизими ва унда банкнинг ўрни ҳамда асосий кўрсаткичлари тўғрисида маълумотлар тақдим этилди. Банкнинг халқаро облигацияларини жойлаштирув жараёнидаги савдоларида 21 та давлатдан 70 дан ортиқ инвесторлар томонидан жами 900 млн. доллардан зиёд таклифлар келиб тушди. Шундан умумий 400 млн. доллар ва 2,25 трлн. сўм миқдори-

да маблағлар жалб қилинди. Жалб қилинган хорижий инвестициялар – халқаро облигацияларни Лондон фонд биржасида жойлаштиришдан келиб тушган маблағлар банк мижозларининг истиқболли “яшил”, барқарор ва ижтимоий лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтиришга хизмат қилади.

Эслаб ўтамиз, Ўзсаноатқурилишбанк томонидан 2019 йилда Ўзбекистон тарихида илк бор халқаро капитал бозорида корпоратив қимматли қоғозлар, ўтган йили эса Ўзбекистон банклари орасида биринчи “яшил” облигациялар жойлаштирилганди.

Банк ахборот хизмати



ҲАЁТИНИ ИЛМГА БАҒИШЛАГАН ПАХТАЗОРЛАР МАЛИКАСИ

Профессор Феруза Ҳасанова! Пахтачилик илмининг билимдони бўлган бу аёлни мамлакатимизнинг пахтачилик соҳасидаги олимларидан тортиб, фермеру деҳқонларгача жуда яхши танийди. Чунки опа эрта кўкдамда тупроққа чигит қадашдан то пахта пишиб етилгунча деҳқонлар даврасида бўлади.

Умр бўйи эгаллаган илмини деҳқонларга улашишдан чарчамайди. Баъзида хайратланман. Дала кезиб меҳнат қилиш унча-мунча эркакни чарчатади. Феруза опа аёл боши билан бунча кучни қаердан олар экан-а? Ўттиз тўрт йиллик шоғирди сифатида ушбу саволнинг жавобини ҳам ўзим топгандекман, опани янада яхшироқ англаётгандекман. Феруза опа метин ирода, сабот ва кучни Она Ватанга бўлган кучли муҳаббатидан олади!

Кечагидек эсимда. Илк бор Феруза Ҳасанова билан Пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг тажриба даласида учрашгандик. Шунга ҳам мана 34 йил бўпти. Ўтган йиллар давомида устоздан илм йўлида кўп нарсаларни ўргандик.

(Давоми 3-саҳифада)

МУРОЖААТЛАР —

ЖАМИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ



Мамлакатимизда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан халқ билан мулоқот тизими янгича асос солиниши ҳамюртларимизнинг узоқ йиллардан буён ҳал бўлмаётган муаммоларининг ижобий ечимини таъминлаш ва халқ турмуш шароитининг тубдан яхшиланишига сабаб бўлди.

Президент виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари бутун бевосита давлат раҳбарига мурожаат қилиш, халқ билан доимий мулоқот олиб бориш, одамларни қийнаб келаётган муаммоларни ўз вақтида самарали ҳал этишнинг таъсирчан механизмига айланди.

Жорий йилнинг олти ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси ва Халқ қабулхоналари орқали Наманган вилоят аҳолиси томонидан 47,5 мингдан ортиқ мурожаатлар келиб тушди. Эътиборлиси, бу мурожаатларнинг 33,3 мингга яқини қаноатлантирилди. Мурожаатлар динамикасига эътибор берадиган бўлсак, давлатимиз томонидан ислох этилаётган соҳаларда

муурожаатлар камайиб бормоқда. Лекин, жамоатчилик ва оила ҳамкорлигида тизимли иш олиб боришда ҳануз муаммолар мавжуд. Масалан, маънавий тарбия оқсаган оилаларида ажрашувлар, никоҳнинг бекор бўлиши, пировардида ёш фарзандларнинг ота меҳрига муҳтож бўлиб қолиши, “алимент” деган миллатимизга ярашмаган иборанинг аста-аста ҳаёт тарзимизда одатий ҳол бўлиб қолиши бутун ҳеч қимга сир эмас. Демак, муқаддас оила қадриятларига риоя этиш, келин-куёв, қуда-андаларнинг янги оила барпо бўлишида жуда чуқур ўйлашлари, фарзандни ёшлигидан турмушга барча томондан тайёрлаб бориш ўта муҳимдир.

(Давоми 2-саҳифада)

ЎЗАГРОЛИЗИНГ:

ХАЛҚАРО МОЛИЯ БОЗОРИГА ЧИҚИШДАГИ ЮТУҚЛАР НИМАЛАРДА КЎРИНАДИ?

(Боши 1-саҳифада)
 Жорий йилнинг ўтган ярмига назар ташлайдиган бўлсак, "Ўзагролизинг" АЖ томонидан жами 1 трлн. 136 млрд. сўмлик маблағлар жалб қилиниб, лизинг лойиҳаларини молиялаштириш учун фойдаланилди. Жумладан, Япония Халқаро ҳамкорлик агентлиги (ЈСА)нинг 289,2 млрд. сўмлик, Жаҳон банкига қарашли Халқаро тикланиш ва тараққиёт банкнинг (IBRD) 483,4 млрд. сўмлик, Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси (ФРПУ)нинг 363,4 млрд. сўмлик маблағлари ўзлаштирилди.

"Ўзагролизинг" АЖнинг лизинг портфели жорий йилнинг 1 январь ҳолатига 1 трлн. 528 млрд. сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилнинг 1 июл ҳолатига келиб бу кўрсаткич 2 трлн. 111 млрд. сўмни, йил бошига нисбатан ўсиш 583 млрд. сўмни ташкил этди. Президентимизнинг 2024 йил 20 февралдаги "Қишлоқ хўжалиги техникаларини харид қилишни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бўйича қишлоқ хўжалиги техникалари ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳаллийлаштириш даражасини

ошириш, техникаларни худудларга ўз вақтида етказиб бериш, корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Жорий йилда худудларга 10 минг 500 дона техника етказиб бериш белгилангани ҳолда, биринчи ярим йилликда 980,4 млрд. сўмлик 5084 дона техника лизинг асосида етказиб берилди. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 4 баробар ўсиш демакдир.

Сирасини айтганда, яратилган кенг имкониятлар натижасида, халқаро молия институтлари маблағларидан узоқ муддатли, паст фойзли маблағларни жалб қилиш ҳисобига фермер, кластер ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарига лизинг муддати 10 йилгача, йиллик 19 фоиздан, аванс миқдори 20 фоиз ҳамда 2 йиллик имтиёзли давр билан техникалар қисқа муддатда лизингга етказиб берилмоқда. Шу билан бирга жори йилда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан қиймати 1,9 трлн. сўмлик 609 дона замонавий пахта териш машиналарини етказиб бериш ишлари ҳам бошланган.

Ўз муҳбиримиз



ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭКИНЛАРИ ПАРВАРИШИГА БАҒИШЛАНДИ

(Боши 1-саҳифада)
 Шундан сўнг сўзга чиққан Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази директори Шухрат Отажонов бугун озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш бутун дунёда кун тартибидоғи энг асосий масала сифатида ўрин олганлигини қайд этди. "Иқлим ўзгариб бораётган экан, қишлоқ хўжалиги екнларидан мўл ҳосил олиш имконияти борган сари пасайиб бораверади, сайёрамиздаги ҳароратнинг бор-йўғи 1 даражага ўзгаришининг ўзиёқ бутун дунё олимларининг олдига улкан муаммоларни кўндаланг қўяди. Шу боис, иқлим ўзгариши шароитида дунё олимлари ҳамжихатликда иқлимга мос, янги ресурстежамкор навларни яратиш, агротехникалар ва инновацияларни ишлаб чиқишлари зарур", дея ўз фикрини билдирди.

Халқаро конференцияда илмий тадқиқот институтларининг илмий

ходимлари, соҳа мутахассислари ва ОАВ вакиллари иштирок этди. Ушбу халқаро конференция доирасида Корея озиқ-овқат, қишлоқ хўжалиги, ўрмон ва балиқчиликда таъминоти ривожлантириш ва ахборот хизмати агентлиги (ЕПИС) томонидан Кореянинг нуфузли олимлари иштирокида Ўзбекистонлик соҳа олимлари ва мутахассислари учун 1 ҳафтага мўлжалланган семинар-тренинг ҳам ўз фаолиятини бошлади. Семинар иштирокчиларига Кореянинг қишлоқ хўжалиги тажрибаси асосида экинларни вирус ва бактериялардан тўғри ҳимоя қилиш, агротехник тадбирларни сифатли ўтказиш ҳамда ақлли иссиқхоналарни бошқариш борасида маълумотлар берилди.

Анвар ҲАҚБЕРДИЕВ,
 Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази ахборот хизмати раҳбари.



"ҲОЗИРГИ ЗАМОН ВА ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН"

(Боши 1-саҳифада)

Албатта, тарихан қисқа муддатда мамлакатимизда изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, иқтисодий ривожланишга эришиш асосида халқимизнинг турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш бўйича қўлаб ишлар амалга оширилди. Айниқса, солиқ, банк-молия тизимидаги янгиланишлар, жумладан, валюта бозорининг эркинлаштирилгани, нақд пул билан боғлиқ муаммоларнинг бартараф этилгани, халқаро молия операцияларининг жаҳон андозалари асосида амалга оширилаётгани, янги-янги инновацион, юқори технологик корхоналар барпо этилаётгани, замонавий коммуникация тизимлари, рақамли технологиялар ҳаётимизга жадал кириб келаётгани, тадбиркорлик учун кенг йўл очилаётганини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Асарнинг "Янги Ўзбекистон: барқарор иқтисодий тараққиёт" номли учинчи бобида айнан шу йўналишдаги ислохотларга алоҳида урғу берилиб, бу борада эришилган натижалар сарҳисоб қилинади, яқин истиқболда қандай иқтисодий режа ва стратегик мақсадлар олдимида тургани, уларни амалга ошириш учун нималар қилиш зарурлигига эътибор қаратилади. Бу масалалар "Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш", "Тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш", "Саноатни жадал ривожлантириш истиқболлари", "Янги Ўзбекистон – рақамли иқтисодиёт сари", "Аграр соҳани ривожлантириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш", "Янги Ўзбекистон: барқарор ва яшовчан туризм", "Яшил энергетика" – барқарор тараққиёт гарови", "Қучли худудлар – қучли Ўзбекистон демакдир" каби мавзулар орқали атрофича очиб берилди.

Халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида Янги Ўзбекистон меъмори сифатида эътироф этилаётган Президентимизнинг ушбу китобидаги "Сайёрамиз ва Янги Ўзбекистон экологик таҳдидлар қаршида" деб номланган тўртинчи боб ҳам диққатга сазовордир. Муаллиф унда "ҳозирги даврда жаҳон миқёсида учта инкироз, яъни, иқлим ўзгариши, биохимла-хилликнинг қисқариши ва атроф-муҳит ифлосланиши, табиий ресурсларнинг камайиши шиддат билан давом этаётгани" ҳақида жиддий ташвиш ва ҳаяжон билан фикр юритади, жаҳон ҳамжамиятини ушбу таҳдидларга қарши биргаликда курашишга даъват этади. Масалан, сув муаммоси Ўзбекистон олдига турган энг долзарб масалалардан биридир. Шавкат Мирзиёев бу борада мавжуд вазиятни тубдан ислоҳ қилиш, Яратганининг бебаҳо неъматини бўлган сув ресурсларини

тежаш ва улардан самарали фойдаланиш бўйича илмий асосланган, тизимли чора-тадбирларни шу соҳани яқиндан бадиған етук мутахассис сифатида бирма-бир қайд этиб, трансгегаравий дарёлар сувидан халқаро қонунчилик асосида фойдаланиш, бу борада қўшни давлатлар билан ҳамкорлик масаласига алоҳида тўхталиб ўтади.

Мазкур бобдан ўрин олган "Орол фожiasi – умум-башарий фожиа", "Мақсадимиз – аҳолининг қулай экологик муҳитда яшаш ҳуқуқини таъминлаш", "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси – экологик вазиятни барқарорлаштириш гарови", "Иқлим муаммолари – барқарор ривожланиш йўлидаги энг катта таҳдид" сингари мавзулар таҳлил қилинган муҳим фикр ва мулоҳазалар соғлом фикрли ҳеч бир инсонни бефарқ қолдирмайди.

Маълумки, Шавкат Мирзиёев давлат раҳбари сифатида иш бошлаган илк кунлардан бошлаб "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", "Халқ биздан рози бўлса, Яратган ҳам биздан рози бўлади", деган олижаноб ғоя ва мақсадларни илгари суриб, Ўзбекистондаги катта-кичик барча раҳбарлардан ўз фаолиятини айнан шу мезонлар асосида олиб боришни талаб этди. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда юз берган туб ўзгариш ва янгиланишлар, юртдошларимиз ҳаётидаги ижобий натижалар ана шундай халқпарвар сиёсат самарасидир.

Асарнинг "Халқ хизматидаги давлат – эл-юрт учун улғў саодат" деб номланган яна бир муҳим бобида суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, давлат идоралари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти, коррупцияга қарши курашиш масалалари ҳақида атрофича сўз юритилди.

Барчамизга аёнки, Ўзбекистон Республикасининг янгиланган Конституциясида мамлакатимизнинг тинчликсеварлик ва тараққиқпарварликка асосланган ташқи сиёсати қуйидаги энг муҳим тамойиллар билан мустаҳкамлаб қўйилган:

"Ўзбекистоннинг ташқи сиёсати давлатларнинг суверен тенглиги, куч ишлатмаслик ёки куч билан таҳдид қилмаслик, чегараларнинг бузилмаслиги, давлатларнинг ҳудудий ахлитлиги, низоларни тинч йўл билан ҳал этиш, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган бошқа принцип ва нормаларига асосланади".

Ушбу конституциявий норма Янги Ўзбекистон сиёсатида ўзининг тўлиқ амалий ифодасини топмоқда.

Бугунги кунда республикаимиз дунёга кенг очилиб, жаҳондаги барча тинчликсевар давлатлар билан тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаат асосида дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини фаол олиб бораётган мамлакатга айланди.

Яқинда юртимизга ташриф буюрган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби жаноб Антониу Гутерриш ҳақи равишда эътироф этганидек, минтақамизда интеграция жараёнларини кучайтириш, "Марказий Осиё руҳи"ни шакллантиришда Янги Ўзбекистоннинг ўрни ва таъсири беқиёсдир. Бугун бу ҳақиқатни дунё ҳамжамияти тан олмоқда.

Китобнинг "Янги Ўзбекистон – хавфсиз ва тинчликсевар давлат" деб номланган сўнги бобида "Янги Ўзбекистоннинг минтақавий сиёсати" ва умуман, бугунги сиёсий ва ижтимоий қиёфаси қандай бўлиши кераклиги "Янги Ўзбекистоннинг ўзаро ишонч ва ҳамкорликка асосланган иқтисодий дипломатияси", "Ўзбекистоннинг янги сиёсати векторлари: ватандошлар билан ҳамкорлик ва мигрантларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш", "Ҳарбий-жанговар қудрат ва юксак маънавий салоҳият – Ўзбекистон Кўролли Кучларининг икки буюк таянчи", қўшни Афғонистон билан муносабатлар истиқболли "Бизга тинч ва барқарор, ўзаро манфаатли шериклик учун очик Афғонистон керак" каби мавзулар таҳлили орқали батафсил ёритиб берилган.

Хулоса қилиб айтганда, "Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон" китобида мамлакатимизнинг бугунги тараққиёт суръатлари, унинг жаҳон майдонидаги тобора ортиб бораётган обрў-эътибори ва нуфузи, олис ва яқин истиқболга мўлжалланган мақсад ва вазифалари қандай мустаҳкам пойдеворга асосланиши, қандай омилар ҳисобидан таъминланаётгани хар томонлама чуқур таҳлил қилинган. Ўзбекистондаги кўпқиррали сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-маърифий ислохотларнинг, мамлакатимиз ва жаҳон ҳамжамияти ўртасидаги муносабатларнинг бирон-бир йўналиши муаллиф эътиборидан четда қолмаган.

Ҳозирги замоннинг шиддатли ва зиддиятли тараққиёт тамойилларини мураккаб ва таҳликали давр нуқтаи назаридан тушуниш, бугунги тинч ва фаровон ҳаётимизнинг қадрига етиш, келажакка катта ишонч билан қараб, Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнларида онгли ва бунёдкор фуқаро сифатида муносиб иштирок этишда, янги ватанпарвар авлодни тарбиялашда ушбу асарнинг аҳамияти беқиёсдир.

Ў.А



(Боши 1-саҳифада)

Вилоят ҳокимлигининг ҳафталик қўшма мажлисларида вилоят Халқ қабулхонасининг давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар билан ишлаш ҳолати бўйича таҳлилий ва танқидий маълумотлари асосида муҳокамалар ўтказиб келиниб, соҳа раҳбарларига мунтазам равишда аҳоли ўртасида тарғибот ишларининг олиб борилиши ва режа-жадвал асосида аҳоли билан сайёр қабуллар ўтказилиши, аниқланган асосли муаммоларга ижобий ечим топиш чораларини қўриш тўғрисида тавсия, кўрсатма ва топшириқлар бериб келинмоқда. Бундан ташқари, ўтган ойлarda энг кўп эътирозларга сабаб бўлаётган масалаларни муҳокама қилиш учун халқ депутатлари ҳудудий Кенгашларига секторлар ва ташкилотлар раҳбарларининг мурожаатлар билан ишлаш ҳолати юзасидан 30 та, ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг натижадорлиги

тўғрисида 90 та ахборот киритилиб, 156 нафар раҳбарларнинг ҳисоботлари эшитилган. Шу билан бирга 13 та вилоят ташкилотларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолияти ўрганилди. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан манзилли ва муддатли тадбирлар тузилиб, амалга оширилмоқда. Буларнинг натижасида, 110 нафар ходим оғохлантилди, 159 нафари интизомий, 11 нафари ойллик шартидан жаримага тортилди, 9 нафари лавозимидан озод этилиб, 72 нафари маъмурий жавобгарликка тортилди. Шунингдек, Халқ қабулхоналари раҳбарлари томонидан вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлариде давлат органлари ва ташкилотларининг мурожаатлар билан ишлаш фаолиятини муҳокама қилишга оид 20 та йиғилиш ўтказилди.

Фуқаролар давлат идораларига эмас, давлат идоралари фуқароларга хизмат қилиши керак, тамойили асосида худуд-

МУРОЖААТЛАР – ЖАМИЯТИМИЗ КЎЗГУСИ

ларда мунтазам сайёр қабуллар ташкил этилди. Бу эса ҳамюртларимиз учун қўлаб имкониятларни яратмоқда. Секторлар, давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг шахсий, сайёр қабуллари Халқ қабулхоналари билан келишилган ва тасдиқланган жадваллар асосида "маҳаллабай" тарзда ташкил этилмоқда. Аҳоли мурожаатлари "маҳаллабай" тарзда таҳлил этилиб, уларнинг ечими бўйича керакли чоралар қўриш ҳамда мурожаатларнинг орғишига йўл қўйилганлиги ҳамда сайёр қабулларни тўғри ташкил этиш ва натижадорликка эришиш мақсадида вилоят Халқ қабулхонаси томонидан секторлар фаолияти таҳлил этилиб, ҳар чорак секторбай раҳбарларга тақдим этиб келинмоқда. Ҳозирги кунда сектор раҳбарлари сайёр қабуллар ўтказиладиган маҳаллаларга белгиланган муддатидан олдин бориб, маҳалла кўчалари ва аҳоли хонадонларига кириб, муаммоларни ўрганмоқда. Сўнг кўтарилган масалага ечим қидирилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида маҳаллаларда 1922 та сайёр оммавий қабуллар ўтказилиб, фуқароларнинг 7422 та мурожаатларидан 5753 таси

қаноатлантирилган. Шунинг таъкидлаш жоизки, маҳаллий бошқарувда секторлар кесмида масъуллик ўз натижасини берапти. Чунки масалага "шу худуд, шу маҳалла, шу фуқаро менинг масъуллим" деб ўндоқлаб аҳолининг "меннинг муаммом" деб ёндашилсагина ечим топилади ва рози-ризолик бўлади, ушбу раҳбар обрўси ҳам ортади.

Вилоят ҳокимлиги молиявий қўлаб-қувватлови, раҳбарлиги остида Учқўрғон тумани "Қаттачек", Наманган тумани "Яшнаобод", Косонсой тумани "Ёшлик", Чортоқ тумани "Мустақиллик" маҳаллаларида "Обод хонадон", "Обод кўча" ва "Обод маҳалла" мезонлари асосида қурилиш таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Хусусан, маҳаллалардаги бунёдкорлик ва ободонлаштириш



ишлари жараёнида ҳомийлик ва хашар йўли билан янгидан маҳаллалар биноси барпо этилиб, "маҳалла еттилиги" фаолияти учун барча шарт-шароит яратиб берилди. Мазкур маҳаллалар вилоят ҳокими раҳбарлигида алоҳида эътиборга олиниб, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ишлари юқори савияда ташкилланди.

Мурожаатлар билан ишлаш самардорлигини янада ошириш мақсадида жорий йил давомида белгиланган мезонлар ижроси юзасидан энг яхши натижаларга эришган туман, шаҳар ҳокими, прокурори, ИИБ бошлиғи, ДСБ бошлиғи, Халқ қабулхонаси мудириларини келгуси йилнинг биринчи ўн кунлигида, белгиланган тартиб асосида бир ҳафтага чет эл сафарига юбориш ҳамда фуқаролар мурожаатлари билан ишлашда фаол самардорликка эришган МФЙ еттиликларини рағбатлантириш юзасидан тақлифлар киритилди.

Хулоса қилиб айтганда бўлса, мурожаатлар жамиятимиз кўзгуси. Раҳбар ва мутасаддилар учун қисқа ва келажакли иш режа ва халқнинг баҳоси ҳамдир. Буни чуқур ҳис этган ҳолда ишни ташкилласагина халқимиз розилиги таъминланади.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, инсонларнинг дард-у ташвишларини ўйлаб яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир.

Баҳодир ЮСУПОВ,
 Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган вилоятидаги Халқ қабулхонаси мудири.

Санитария хизматини янада юксалтириш йўлида Наманганда ўтказилган тадбир қатнашчилар қалбига янада изланиб, ташаббус кўрсатиб ишлашдек мақсадни жо қилди

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги ислохотлар бугун ҳар бир соҳа мутасаддиларидан янги дунёқараш, режа, иштиёқ, изланиш, имкон топиш, ташаббус билан фаолият кўрсатишни талаб этмоқда. Муайян ижобий самарадорлик, аниқ ва истиқболли натижадорликка эришиш учун илм-фан ютуқларини ҳаётга кенг тадбиқ этиш тақозо этилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Санитария-эпидемиологик осойишталик Қўмитаси, унинг вилоят бошқармалари, шаҳар ва туман бўлимларида ҳам соҳани ривожлантириш, санитария хизмати самарадорлигини юксалтириш йўлида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Қўмита томонидан ўтган йилдан йўлга қўйилган шаҳар ва туман бўлимларини “Намунали муассаса”ларга айлантириш лойиҳаси соҳани ривожлантириш, мавжуд муассаса, бўлим ва лабораторияларни замонавий бино, сўнгги русумдаги техника, асбоб-ускуна, қурилма, кимёвий моддалар, махсус кийим-бошлар билан таъминлаш қўзланган ва қутилган натижаларга эришиш йўлида муҳим қадам эканини амалда исбот этмоқда. Бу борада ўтган йили Қорақалпоқистон Республикасининг Хўжайли тумани, Хоразм вилоятининг Хива шаҳар бўлимларида кўрилган ҳозирлик ва ўтказилган амалий семинар ҳам ўзининг қутилган натижасини берди. Семинар иштирокчилари ўз манзилларида ана шундай “намунали муассаса” фаолиятини йўлга қўйиш борасида астойдил иш олиб бордилар. Бунга Наманган вилоятга таърифимиз чоғида ҳам яна бир қарра амин бўлдик. Тўғриси, яқиндагина “63-халқаро гуллар фестивали”га мезбонлик қилган вилоят аҳлининг яшаш турмуши, маҳалла, кўча, гузар, истироҳат боғлари, ташкилот, муассасалардаги тозалик, гулу райҳонларга бурканган манзиллар кўзимизни қувонтириб, қалбларга қувонч нашидасини бахш этди. Вилоят бошқармасидаги фойз, алвон рангларга бурканган гулзорлар барчага унутилмас, фараҳбахш онларни бахш этди. Семинарнинг яна бир аҳамиятли



“НАМУНАЛИ МУАССАСА”ДА НАМУНАЛИ ХИЗМАТ КЎРСАТИЛАДИ



томони шундаки, бу анжуман меҳмондўст наманганликлар, аниқроғи бошқарманинг Ахборот хизмати раҳбари, таниқли шоир, публицист, тарғиботчи Равшанбек Мирзаалимов ҳамда вилоят мусиқали драма театри жамоаси билан ҳамкорликда тайёрланган, фидойи ва заҳматқаш соҳа ходимларига бағишланган “Саломатлик посбонларисиз” қўшиғининг премьераси билан бошланди. Иштирокчилар буни самимий олқишлар билан қарши олди ва соҳа ходимлари байрами, тадбирларда узоқ йиллар янграб турувчи қўшиқлар қаторидан ўрин олишига ишонч билдирди. Қатнашчилар “Намунали муассаса” лойиҳаси бўйича танишишни саҳни гулзор, боғларга бурканган, “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида ибрат ола арзигулик кенг қўламли ишларни амалга оширган Қўмитанинг Учқўрғон



тумани бўлимидан бошлади. Замонавий бинода фаолият олиб бораётган бўлимнинг аҳил жамоаси меҳмонларни шаҳардаги 42-сонли мактабгача тарбия ташкилоти тарбияланувчилари билан биргаликда тантанали кутиб олди. Шу жойда тарғиботнинг “Наманган таърибаси” мисолида болажонлар иштирокида “Безгак” касали тарқатувчилар – “Чивилар” саҳна кўриниши болаларча талқин қилиб берилди. Барчани оғоҳликка ундаган, хушёрликка чақирган жажжи тарғиботчилар, уларнинг тарбиячиси Муяссар Норбўтаева Қўмитанинг ташаккурнома ва совгалари билан тақдирланди. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан келган санитария хизмати вакиллари бўлим ва лаборатория фаолияти, эришаётган ютуқ ва орттирилган таърибалари билан яқин ўртоқлашди.

Кўп йиллардан буён раҳбарлик қилиб келаётган Абдумутал Нишонов бошлиқ Уйчи тумани бўлими жамоасининг фаолияти ҳам эътирофга сазовордир. 1938 йилда икки нафар мутахассис билан мослаштирилган бинода иш бошлаган муассаса ҳозирда барча шарт-шароитларга эга бинода фаолият кўрсатмоқда. Муассасада ҳозир 20 нафар олий, 38 нафар ўрта маълумотли мутахассислар ишлаб келмоқда. Тумандаги 25 та МФЙда ҳафтада икки кун “маҳаллабай” иш ташкил қилиш, фуқароларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, соғлом турмуш, соғлом овқатланиш мавзусида “Уйчи таърибаси” мисолида намунали ишлар йўлга қўйилган.

Шу кунгача ОАВ, ҳамкор ташкилотлар, фаол нурунийлар ва бошқалар билан ҳамкорликда 17 мингдан зиёд тарғибот тадбирлари ўтказилган, 36 мингга яқин тарқатма материаллар тарқатилган. Натижада, туманда кейинги беш йилликда ўта хавфли касалликлар, овқатдан заҳарланиши, ботулизм умуман қайд этилмади. Биз Учқўрғон ва Уйчи туманлари бўлимларида ўрганса, Қўмита таркибидоғи барча бўлимларга таъриф этса арзигулик ишлар билан танишиш жараёнида, жорий йил якунигача вилоятнинг Янгиқўрғон, Чортоқ, Косонсой, Чуст, Поп, Наманган, Тўрақўрғон туманлари бўлимларини ҳам “Намунали муассаса”лар қаторига киритиш борасидаги амалий ишлар якунланаётганини эшитиб, янада хурсанд бўлдик. “Излаган имкон топар”, нақли бежиз айтилмади. Санитария хизматини янада юксалтириш йўлида Наманганда ўтказилган тадбир қатнашчилар қалбига янада изланиб, ташаббус кўрсатиб ишлашдек мақсадни жо қилди, десам муболага қилмаган бўламан. Нуриддин САТБАЕВ, Ўзбекистон Республикаси Санитария-эпидемиологик осойишталик Қўмитаси Стратегик режалаштириш, ахборот-таҳлил ва ижро интимиози бўлими бошлиғи.

ҲАЁТИНИ ИЛМГА БАҒИШЛАГАН ПАХТАЗОРЛАР МАЛИКАСИ

(Боши 1-саҳифада) Ўрта мактабни битириб, Пахтачилик илмий-тадқиқот институтига лаборант вазифасига ишга кириб, кейинчалик кичик илмий ходим, илмий ходим, катта илмий ходим, сўнг етакчи илмий ходим лавозимида ёнида шогирд бўлиб юриб, профессорлик даражасига эришдим. Шогирд эришадиган ютуқлар негизда Феруза

дан илк бор кузги бугдойни гўза қатор орасига ишлов бермасдан махсус селка билан аниқ экиш технологияси ишлаб чиқилган. Бунинг ҳисобига экиш меъёрини 50 кг. камайтиришга эришган ва минерал ўғитларни бирга солишни ишлаб чиққан. Гўза ва бошқа экинларда учрайдиган бегона ўтларга қарши агротехник кураш ва гербицидлар қўллаш



опанинг заҳматли қадамлари ва шогирдлар билан ишлашдаги фидокорлиги ётади. Бир шогирди сифатида шунини таъкидлаётганим, аёл боши билан республикамизда гўзадан юқори ҳосилдорликка эришиш учун бугун фарғоналик пахтакорлар даврасида бўлса, эртага яна бир ҳудуддаги гўза майдонларида деҳқонларга ўз илминини бераётганининг гувоҳи бўлганман.

чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, чигит экиш билан уларни қўллаш кластер ҳужжалиларида кенг жорий этилмоқда. У кишлоқ ҳўжалигида долзаб муаммоларга бағишланган 300 дан ортақ илмий мақолалар, 5 та монография, бир қанча тавсия ва қўланмалар муаллифидир. Олиб борилган илмий изланишлар натижалари халқаро нашрлар ва конференциялар тўпламларида мақола сифатида нашр этилган. 2003 йилдан бошлаб 8 марта амалий ва 3 марта инновацион лойиҳалар ютиб олиб, уларга раҳбарлик қилмоқда.

Шу ўринда профессор Феруза Ҳасанованинг фаолиятига оид маълумотларни келтириб ўтсам. У 1954 йил Тошкент шаҳрида туғилган, олий маълумотли, 1977 йил Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институтини олим-агроном агрохимик ва тупроқшунос мутахассислиги бўйича тямомлаган. Шундан буён пахтачилик фанини ривожлантиришда ресурстежовчи, тупроқнинг муҳофаза қилувчи технологияларни қўллаш ҳисобига эртаги ва сифатли ҳосил етиштириш, тупроққа минимал ишлов бериш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва оширишга ҳамда фермер ҳўжалиқларига жорий этишда тарғибот ишларида салмоқли ҳисса қўшиб келаётган олима.

Илмий фаолияти давомида 3 та чет эл Иқарда, Seshty-47, CRDF грантлари лойиҳа раҳбари ва етакчи илмий ходими бўлиб фаолият кўрсатиб келган. Ф.Ҳасанова 50 йилдан бери Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтида илмий-назарий қарашларини шогирдлари билан давом эттириб келмоқда. Унинг раҳбарлигида 7 нафар шогирд номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган бўлса, ҳозирги кунда 2 та PhD ва 5 нафар магистрантларга раҳбарлик қилиб келмоқдалар.

Номзодлик диссертациясини 1984 йилда Ўзбекистон Пахтачилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги ихтисослашган илмий кенгашида. Хусусан, Пахта систематического применения гербицидов и их чередования на фертиценоз полях и продуктивность хлопчатника” мавзусида 06.01.01 – “Умумий деҳқончилик” ихтисослиги бўйича ҳимоя қилган бўлиб, 1990 йил “Умумий деҳқончилик” ихтисослиги бўйича катта илмий ходим ва 2019 йилда профессор илмий унвони берилган.

Устозим нафақат илмий изланишлар олиб бормоқда, юқори савияли кадрлар тайёрлашда ҳам фаол қатнашиб келмоқда. Хусусан, Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.05/30.12.2019. Qx.42.01 илмий Кенгашда 1995 йилдан бери илмий котиби бўлиб ишлаб келмоқда. Устознинг фидокорона меҳнатлари давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирлаб келинмоқда. У 2019 йил “Ўзбекистон Республикаси кишлоқ ҳўжалиги фидойиси” кўкрак нишони ва “Содиқ хизматлари учун” медали билан тақдирланган.

Профессор Феруза Ҳасанова тўғрисида жуда кўп илиқ фикрларни билдириш мумкин. Узининг муборак 70 ёшини нишонлаётган устозимизга пахтазор маликаси, деган таърифи чиқди. Донли экинлардан бўшаган майдонлардан унумли фодалашда минимал ишлов бериб, тақририй экинлардан қўшимча озик-овқат маҳсулоти етиштиришда ЕММ ихтисод қилиш ва тракторларда ишлов бериш соинини 3-4 мартага камийтириш ҳисобига тупроқнинг унумдор қатламини эрозия жараёниларидан сақлашга эришилмоқда ва 100 минг гектар майдонга жорий этилмоқда.

Устозим Ф.Ҳасанова томони Иқром ҚОРАБОВ, кишлоқ ҳўжалиги фанлари доктори, профессор.



Чўкиш билан боғлиқ ҳодисаларнинг юз бермаслиги учун авваламбор чўмилиш қоидаларига қатъий риоя қилиш лозим.

ЧўМИЛИШ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ҚИЛИНГ!

Бунинг учун биринчи навбатда об-ҳаво қуёшли ва шамол бўлмаган пайтда, ҳаво ҳарорати 30-38° кам бўлмаган шароитда чўмилиш тавсия этилади. Қорин оч бўлганда, чарчаганда, чанқаганда, яқинда беморликдан турганда, спиртли ичимлик истеъмол қилинганда, ёлғиз бўлганда ва офтоб уриш ҳолларида чўмилиш мақсадга мувофиқ эмас. Шунингдек, таққиланган жойларда чўмилиш, катер ва қайиқларга яқин сузиб бориш, ёш болаларни сувда қаровсиз қолдириш, чегараланган белгилардан ташқарига чиқиш, кўприк, дамба ва кемалардан сувга сакраш, нотаниш жойларга шўнғиш тақиқланади. Қайиқларда сайр қилаётганда бир қатор жиҳатларга эътибор қаратиш керак. Эгасиз ва техник носоз қайиқлардан фойдаланиш, сайрга шамол ва ёмғирли об-ҳавода ёки қўтқарув ва сув чиқариш мосламаларисиз чиқиш, қайиққа руҳсат этилганидан ортинча одам ва юк олиш, сузиш вақтида бир қайиқдан иккинчи қайиққа ўтиш, қоронғу тунда сузиш мосламаларидан фойдаланиш нохуш ҳолатларга сабаб бўлиши мумкинлигини унутмаслик зарур. Чўкаётган одами қўтқариш учун қўтқарув анжумлари ва қайиқлардан фойдаланилади. Улар бўлмаганда эса чўкаётган одами қўтқаришда хавфсизлик чораларини билиш талаб этилади. Агар чўкаётган одам хушини йўқотган бўлса уни сувдан олиб чиқиш анча қулай бўлади. Лекин хушини йўқотмаган одами қўтқариш қўтқарувчи ҳам катта хавф туғдиради. Чунки чўкаётган одам саросима ва ваҳимага тушган ҳолда қўтқарувчига қаттиқ ёпишиши, уни ҳам сув остига тортиб кетиши мумкин. Шунинг учун чўкаётган одамнинг чангалидан чиқиш ва буксировка қилиш усулларини ҳам ўрганиш лозим. Ўлим ҳолати фақатгина сувда эмас балки, жабрланувчи сувдан олиб чиқилгандан сўнг ҳам қузатилиши мумкин. Жонлантириш тадбирларининг ижобий натижаси уларнинг тўғри ва ўз вақтида кўрсатилишига боғлиқ. Чунки ушбу пайтда амалга оширилган бир неча сунъий нафас олдириш ҳам жабрланувчи соғлиги тикланишини тезлаштиради. Жабрланувчи мукамал биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кирроққа олиб чиқилгандан кейин амалга оширилади. Агар жабрланувчи ҳўшдан кетмаган бўлса, зудлик билан унинг ҳўл кийимларини ечиш, танани турли нарсалардан тозалаш, бирорта иссиқ ичимлик ичириш, валериан настойкасини бериш тавсия этилади.

Ж.УМАРОВ, Чилонзор тумани ФВБ II ва НБ инспектори, катта лейтенант.

Мутахассис тавсиялари

БАРЧАСИ ПАРВАРИШГА БОҒЛИҚ

Айни кунларда ўлкамизда ёз чилласи ҳўкмон. Бу даврда гўза парварлишининг ҳар бир агротехник тадбири сувдан унумли фойдаланишга йўналтирилиши лозим. Зеро, халқимиз “Чилла суви – тилла суви”, дея бежизга айтмаган.

Гўза ёруғсевар ва иссиқсевар экин ҳисобланади. Бир туп гўза вегетация давомида камида 60, айрим ҳолларда эса 100 донагача шона, гул, қўсақдан иборат ҳосил нишонларини шакллантиради. Аммо, дала шароитида агротехнология тадбирлари тўғри ва самарали ўтказилмагани боис, ҳосил нишонларининг 80-85 фоизини ташлаб юборади. Гўзада 10-12 та ҳосил шохи пайдо бўлганида 20-30 ҳосил нишонлари ҳам шаклланади. Кейинчалик ушбу ҳосил нишонларидан эртагишар, ялип ҳосилнинг 70-80 фоизини ташкил қиладиган қўсақлар этилади. Афсуски, июль ойида пайдо бўладиган 13-16 ҳосил шоҳларида ҳосил нишонларининг асосий қисми тушиб кетади. Пахтакорларимизнинг асосий вазифаси ҳам эрта шаклланган, сентябрда пишиб, этиладиган дастлабки ҳосил нишонларини сақлаб қолишдан иборат. Гўзанинг ҳосил тугунчаларини ташламаслиги учун энг аввало, пайкалардаги тупроқ намлигини бир маромида сақлаб туриш зарур. Агар намлик етарли бўлмаса, гўза танасидаги физиологик ва фотосинтез жараёнилари бузилади. Ҳароратнинг қўтарилиши натижасида гўза баргларининг бутун юзаси бўйлаб мажбурий бугланиш юз беради. Поя, рағр, шохлар ва ҳосил тугунчалари ўртасида сув учун рақобат вужудга келади. Шунини таъкидлаш жоизки, июль ойида тупроқда илди орқали сўриб олинган сувнинг қарийб 80-90 фоизи гўза барглари, қолган қисми тупроқ орқали булланади. Оқибатда намлик етишмаслигидан қовжираб қолган ҳосил тугунчалари тўкилади. Шу боис, гўза ҳолатидан мунтазам хабардор бўлиб, чанқаб қолишининг олдини олиш зарур. Сув тақчиллиги қузатилаётган ҳозирги шароитда сув-чиларнинг масъулияти янада ортади.

Бошқача айтганда, сувдан фойдаланиш коэффициентини ошириш уларнинг асосий вазифасидир. Суғориш сифати кўп жиҳатдан сувчиларнинг иш таърибасига, илм-фан ва ишлаб чиқариш ютуқларини қўлай олиш маҳоратига, фермерларнинг сувчиларга етарлича қулайлик яратиб беришига боғлиқ, албатта. Таъкидлаш жоизки, фермерларимиз гўза парварлишида суғоришдан ташқари культурация, бегона ўтлардан тозалаш, касаллик ва зараркундаларга қарши курашиш, чилипши каби агротехник тадбирларга ҳам жиддий эътибор беришлари юқори ҳосилдорликка эришишнинг асосий омилли ҳисобланади. Бу йилги шароитда гуллаш ва ҳосил туғиш даврида сизот сувлари чўқур жўйлашган энгил тупроқли ерларда гўзани суғориш меъёри гектарига 700-800, ўртача ва оғир тупроқли ерларда эса 900-1000 метр куб этиб белгиланади. Сувни тежаш учун гўзалар энгил тупроқларда июль ойида 14-16, оғир тупроқли ерларда 16-18 соат давомида суғорилади. Тупроқни бир текис намлаш учун қалта эгатаб, 50-60 метр олинган ўқариқлар орқали суғориш самаралидир. Сувдан самарали фойдаланишда чуствлик фермерларнинг суғоришни қисқа эгатаб (30-50 метр) орқали “Чуст усули”да ўтказиш таърибаси диққатга сазовордир. Обиҳаётдан тежамли фойдаланишда суғоришни “шарбат усули”да ўтказиш ҳам айни муддаодир. Бу усул гўзага озуқа бериши баробарида, сув бугланишини камайтириб, тупроққа сингишини ахшиллади. Олимларнинг ўтказган таърибаларига қараганда, қатор ораларининг ишлови кечиктириб ўтказилганда ҳосилдорлик 2-3, ҳатто 4-5 центнергача камайганлиги аниқланган. Демак, гўзалардаги дастлабки пайдо бўлган

қўсақлар тўкилган. Шунинг учун қатор орасига ишлов беришни бирор кун ҳам кечиктирмай, ўз вақтида, сифатли ўтказиш зарур. Шунинг ҳам унутмаслик керакки, ишлов берилганда юзаси текис чиққан майда кесакли далада нотекис, йирик кесакли юзага қараганда намнинг бугланиши 25-30 фоиз кам бўлади. Фан ва амалиётда шу нарса исботланганили, тупроқнинг устки қатлами майда кесакли қилиб юмшатиб, 0,22-10 миллиметр қатламидоғи кесаклар камида 50-60 фоизни ташкил қилса ерда нам яхши сақланади. Бу суғоришлар оралнигида даврни 4-5 кунга узайтириш, вегетация вақтида эса гўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосил тўпланишини бузмаган ҳолда суғоришни бир мартага камайитириш имконини беради. Гўзага ишлов беришда тупроқнинг йирик кесакли бўлишига сира йўл қўймаслик керак. Ёз чилласи ўта иссиқ келган бу йилги шароитда гўзани қўлатиб суғориш ниҳолларни говлатиб юборади, тупроқни қатқалоқ қилади, натижада гўза томилари сиқилиб қолади, қатор ораларида шамол айланмай, ҳосил тўкилиб кетиши мумкин. Вақтида суғорилмаса, гўза чанқаб, ҳосил салмоғига таъсир қилади. Тунги салқинда сув тараш обиҳаётни тежайди, ерда намликни узоқ муддат сақлайди, мўлжалдаги ҳосилни тўплашга қўмақлашади. Қатор оралари 60-90 см ва нишаблиги катта пайкаларда суғоришни барча эгатаб орқали ўтказиш, қолган жойларда бир жўяк ташлаб (қатор оралатиб) суғориш мақсадга мувофиқдир.

Р.НАЗАРОВ, к.х.ф.д., профессор, Ж.АБДУЛЛАЕВ, Қишлоқ ҳўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази бўлим бошлиғи.


Эълон

ООО «CENTRAL ASIA VOYAGES-CAV» (Зарегистрированное за реестровым № 001548-11 от 11.02.2005г., расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. М.Таробий, д.27) (ИНН: 205424602) сообщает об уменьшении размера Уставного фонда с 16 537 162 374 (шестнадцать миллиардов пятьсот тридцать семь миллионов сто шестьдесят две тысячи триста семьдесят четыре) сум до 14 494 201 900 (четырнадцать миллиардов четыреста девяносто четыре миллиона двести одна тысяча девятьсот) сум». Требования кредиторов могут быть предъявлены не позднее 30 дней с даты опубликования уведомления о реорганизации по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. М.Таробий, д.27. (Email: ag151723@gmail.com).

МЕХР ЙЎЛАГИДАН ЮРГАН ОДАМ

Китобни шунчаки ўқиб бўлмайди. Унга руҳан тайёр бўлиш, сўнгра варақлаш керак. Иш орасида, автобусда ўқиш, бу ўзини алдаш, шунчаки вақтни ўтказиш демакдир.

Асарнинг туб моҳиятини тушуниш учун китоб ва ўқирман ёлғиз қолмоғи керак. Шундагина асарнинг мазмунини қақишга ожизлик қилмайди. "Мақар". Шухрат Маткаримнинг ушбу китоби кўлимга текканга ўн кун бўлди. Аввал ҳам адибнинг "Йилон" номли кассасини ўқиган эдим. Шухрат Маткаримнинг ўз ёзиш услуби бор. Бу услуб китобхонани ўзига оҳанрабодай тортади. Мақар. Ҳикоянинг қахрамони. Болаларча беғубор, кичикфелъ инсон. Қишлоқнинг самимий бу инсонининг ўз исми Ҳусинбой. Ўзгалар уни бошқа ном билан аташса ҳам эътироз билдирмайди. Одамларнинг кўнглини оғритишни истамайди. Индамайди. Ҳатто ўз фарзандларига ҳам қаттиқ гапирмаган, гапира олмаган ота. Ҳозирги кунда жамиятимизнинг оғриқли нукталаридан бири бўлган кўни-қўшничилик масаласи. Муаллиф бунга алоҳида урғу берган. Ён кўшнимиз бирор нима сўраб чиқса, оғриниб берамиз. Баъзан қарзга. Аммо Мақар ундай эмас. У қийналайиб тугган балигини болаларга текинга улашиши юксак ҳимматдир. Мақар учун болаларнинг бир онлик қувончини кўриш дунёдаги энг катта бахтдай туюлади. У ўша бахтни ҳис қилиб яшайди, қариб-қартайиб қолган бўлса-да, кўнгли ёш боладай беғубор. У меҳрини сўзларда ифода қилмайди. Меҳрини кўрмоқлик учун мовийранг, маънос қўзларгагина боқшининг ўзи кифоя.



Мақар кўлга сокин, тинч бўлган учун боради. Оиласидаги қайнона-келин тортишувлари унга ёқмайди. Кампирининг ўринли гапирини билади, аммо келиннинг итоатсизлиги ёқмайди. Шундай бўлса-да, келинга бир оғиз қаттиқ гапирмайди. Феъли шунақа. Шунинг учун ҳам келинлар қайночасини яхши кўриб хурмат қилади.

Мақар шаҳарликларга бу борада ҳаваси келади. Шаҳарда қайнота келин гаплашмайди. Қайнона келинга қанча танбеҳ берса-да, келин буларни ўринли деб билиши ва сўзсиз қайнонага итоат этишини маъқуллайди. Бундай одад оилада тинчлик бўлишига хизмат қилишини улуглайди.

Мақар кўп нарсани билувчи, кўп китоб ўқиган инсон. Унинг бошини ерга эгиб, жим юриши, атрофга алангласизлиги эътиборсизлик

эмас. У билан деб, ҳуда-беҳудага валдирашни ёқтирмайди. Асли жуда яхши зийрак. Буни қишлоқ кутубхонасини тасвирлашдан билиш мумкин. Бинонинг қачон қурилгани, қандай таъмирланганига эътибор билан таърифлайди.

Уз дардини бирор билан бўлишишни истамайди. Яқинларини авайлайди. Аслида Мақарнинг ичиди бир олам ортмоқлаб юрган дарди бор. Кўлдан қайтаётганда йўлида учраган қари итни "Хоразм йўлбарси" деб атайди. Ўзига ҳамдард топганидан хурсанд бўлади. Итни ҳақиқий сирдош, дардашдай сунди. Кўлдан уйгача етиш мобайнида кўнглидаги бор сир-асрорларини "Хоразм йўлбарси" билан бўлишади. У кўнглини кўтарувчи, кези келганда ақл бўлгучи тингловчинини эмас, балки уни унсиз эшитгувчинини, гапларини ўзгаларга етказмайдиганини топганидан хурсанд эди.

Муаллиф қисса орқали ўқувчига ибрат бўладиган қаҳрамон яратди. Бир лаҳзалик умр. Кўлдан уйгача бўлган манзил. Шу бир лаҳзалик умрда муаллиф Мақар орқали инсон фақат яхши ном қолдириши кераклигига ундайди.

Саксон ёшдан ошган Мақар ҳаётининг сўнги кунларини яшаётганини ич-ичидан сезади, ўтган умрига назар солади. Қилиб улгурмаган юмушлари кўплиги, вақт ортага қайтмаслигига кўп бора аттанган килади. Ҳаётини қайта кўриб, умри давомида фақат шукур қилиб яшайди. Атрофидаги ҳаётини қайта кўриб, умри давомида фақат шукур қилиб яшайди. Атрофидаги ҳаётини қайта кўриб, умри давомида фақат шукур қилиб яшайди. Атрофидаги ҳаётини қайта кўриб, умри давомида фақат шукур қилиб яшайди.

Муаллиф қисса орқали ўқувчига ибрат бўладиган қаҳрамон яратди. Бир лаҳзалик умр. Кўлдан уйгача бўлган манзил. Шу бир лаҳзалик умрда муаллиф Мақар орқали инсон фақат яхши ном қолдириши кераклигига ундайди.

Муаллиф қисса орқали ўқувчига ибрат бўладиган қаҳрамон яратди. Бир лаҳзалик умр. Кўлдан уйгача бўлган манзил. Шу бир лаҳзалик умрда муаллиф Мақар орқали инсон фақат яхши ном қолдириши кераклигига ундайди.

Тўйхат ўрнида

Адхамбек билан анча йиллар илгари водий ёш ижодкорларининг "Шаҳрихонсой мавжлари" анжуманида илк бор учрашган, танишган эдик. Ўшанда унинг Тошкентдан ташриф буюрган таникли ижодкорлар, водий қалам аҳли ва ёш ижодкорлари билан муомала мулоқотлари эътиборимни тортган, тўғриси ҳавасимни келтирган эди. Чунки бу жараёнда унинг катта-кичик адибларнинг ижодларидан хабардорлиги, асарларни зукколик билан таҳлил қилиши, ёш ижодкорларга бугунги тилимиз билан айтганда мотивация берувчи фикрлар айтиши яққол сезилиб турарди.

Ўшанда менинг ижодимдан ҳам бир қадар хабардор эканлигидан мамнун бўлиб, янги нашрдан чиққан "Чирогой ёниқ хонадон" номли сайланма китобимни дастхат билан тақдим этган эдим. Орадан кўп ўтмай Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида мазкур китоб тақдимоти бўлиб ўтди, унда кўпчилик адабиётшунослар, ижодкорлар қатори Адхамбек Алимбеков ҳам иштирок этди ва менинг ижодим ҳақида илқ фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Унинг Туркистонда туғилгани, ТошДУни битиргани, ҳазил-мутойибага мойил ва ўзбекона лутфларини ўз ўрнида қўллашга уста эканлиги, деркли тенгдош эканлигимиз ҳақида ўша кунги сўхбатларимиздаёқ билганман. Шундан буён Адхамбекнинг мақолаларини, китобларини кузатаман, серқирра ва фаол ижодкорлигига ҳавас қиламан.

Вилоятларда яшаб ижод қилаётган шоир-ёзувчилар ижодини ҳам эътибордан қочирмайди, бир қанча андижонлик ижодкорлар асарлари таҳлиliga бағишланган мақолалар муаллифи. Кейинчалик Халқаро Амир Темур хайрия жамоат фондида бирга ишлаш, анжуманларда, сафарда бирга бўлиш асносида Адхамбекнинг илму амални уйғун олиб борувчи моҳир ташкилотчи, дилкаш сўхбатдош, садоқатли дўст эканлигига ҳам амин бўлдим. Менинг ижодим ҳақидаги мақоласини ўқиб, анчагина кузатгани ва эринмай таҳлил қилганини кўриб яна бир бор тан бердим. Йиллар ўтиб дўстона муносабатларимиз шаклланди, ривожланди, бир-биримизнинг ижодимизни мунтазам кузатадиган, ютуқларимиздан қувонадиган бўлдик. Ўтган йили етмиш ёшим нишонланган, Адхамбек матбуотда, юбилей тадбирида, телевидениеда, радиода менинг ижодим хусусида илқ фикрлар билдирган, табриклаган эди. Бутун энди мен унинг ижод йўлига бир қур назар ташлаб ўтирибман. Таваллудининг 70 йиллиги

МОҲИР ПЕДАГОГ, ТОЛМАС ТАДҚИҚОТЧИ

нишонланаётган таниқли адабиётшунос, туркшунос олим, ижодкор, жонқуяр устоз, "Дўстлик" ордени соҳиби, профессор Адхамбек Алимбековнинг илмий, ижодий ва педагогик фаолияти ҳақидаги маълумотлар салмоқли, залворли. Олим ижодкор уч юздан ортқ илмий мақолалари, "Ишқ асирини бўлган жон", "Эзгуликка эш қўнғил", "Чингиз Айтматов – дилдошимиз", "Билиб айтилган сўз" каби рисоалари, "Юлдузнинг беш қирраси", "Латиф шеърят", "Турк адабиёти", "Сўз чамани ичра наво кўргузиб" илмий монографиялари билан адабий-илмий жамоатчилигининг эътиборини қозонди. Илмий ва бадий асарлари билан матбуот саҳифаларида тез-тез кўриниб туради. Телекўрсатувлар ва радиоэшиттирилларда ижтимоий-иктисодий ҳаётимизда бўлаётган ўзгаришлар, ўзбек ва жаҳон адабиётига янги асарлар ҳақида фикрлари билан иштирок этиб келади. Долзарб мавзулардаги илмий ишлари билан мамлакатимизда ва хорижий давлатларда ўтадиган илмий анжуманларда фаол иштирок этади. Кўплаб мумтоз адабиётимиз намоёндалари, таниқли адиблар ва ёш ижодкорлар ижодини таҳлил қилувчи мақолалари адабий жамоатчилигимиз эътиборини қозонган.

Адхамбек Алимбеков бадий ижод билан ҳам шуғулланади. 2017 йили унинг "Япроқ ҳикоялар" тўплами нашр этилган. Тўпламдаги мўъжаз битиклар



олим ижодкорнинг кўп йиллик ҳаётий, илмий, ижодий изланишлари асосидаги ҳаётий ҳулосаларга ўхшаб кетади, кичик асарларда катта гап айтишга интилиши сезилиб туради.

Халқаро адабиёт, санъат, маданият ва ижтимоий фанлар академияси академиги, Бутунжаҳон халқ ижодкорлари уюشمаси аъзоси бўлган Адхамбек Алимбеков ҳозирги кунда Тошкент давлат шарқшунослик университетининг "Шарқ мамлакатлари адабиёти ва қиёсий адабиётшунослик" кафедраси профессори лавозимида самарали фаолият кўрсатмоқда. Адабий-бадий, маънавий-маърифий тадбирларда, ранг-баранг мавзулардаги турли анжуманларда иштирокчиларни зериктириб қўймайди, дунёқарашини бойитадиган, кайфиятини кўтарадиган, даврага муносиб сўз айтади. Тадбирлардаги сўзларида ва оддий ўзаро мулоқотларда ҳам Адхамбекнинг кўп китоб мутолаа қилганлиги, сўз бойлигининг ва уни ўз ўрнида қўллаш кўникмасининг юқорилиги яққол сезилиб туради.

Ёшларнинг меҳрибон устози ва талабчан мураббийси, зукко олим, моҳир педагог, толмас тадқиқотчи, изланувчан ижодкор дўстимиз Адхамбек Алимбековни қутлуғ ёши билан самимий муборакбод этиб, умрига, ризқига ижодига барака тилаймиз.

Ҳабиб СИДДИҚ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюشمаси аъзоси.

Реклама

МАХАМ - CHIRCHIQ

SHOSHILING !!!

Kaltsiy va magniy mikroelementli

AMMIAKLI SELITRA

Birja savdolarida.

Mahsulot sertifikatlangan № UZ. SMT.01.080.64398163 GOST 2-2013

Manzil: Toshkent viloyati Chirchiq shahri Toshkent ko'chasi 2-uy.

Tel: +998 (7071) 6-25-20, 6-34-40, 9-35-08.
Faks: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.
info@maxam-chirchiq.uz
www.maxam-chirchiq.uz

Эълон

"Махам-Чирчиқ"

акциядорлик жамияти ваколатли омборлар ташкил қилиш бўйича танлов эълон қилади.

Қорақалпоғистон Республикасининг Нукус, Қонлиқўл, Кегейли, Қораўзақ, Амударё, Чимбой, Тахтақўпир, Қўнғирот туманлари; Бухоро вилоятининг Вобkent, Жондор, Пешку, Ғиждувон, Қорақўл туманлари;

Жиззах вилоятининг Зарбдор, Зафаробод, Ғаллаорол, Форин туманлари;

Қашқадарё вилоятининг Муборак, Косон, Касби, Нишон, Қамаш, Кўкдала, Чирокчи, Китоб, Дехқонабод, Миришкор туманлари;

Самарқанд вилоятининг Нуробод, Пахтачи, Ургут, Пайарик, Қўшработ туманлари;

Сурхондарё вилоятининг Бойсун, Музаббот, Денов, Шўрчи туманлари;

Тошкент вилоятининг Оққўрғон, Паркент, Пскент, Қуйи-Чирчиқ туманларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар ва тадбиркорларга минерал ўғитлар етказиб берилишида енгилликлар яратиш мақсадида "Махам-Чирчиқ" акциядорлик жамияти томонидан минерал ўғитларни вақтинчалик сақлаш учун ваколатли омборлар очишга танлов эълон қилинади.

Танловда иштирок этишни истаганлар таклифларни муҳрланган ёпиқ конвертда 2024 йилнинг 1 август куни соат 18:00 га қадар корхона девонхонасига тақдим этиши мумкин.

Ваколатли омбор танловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатлар ва қўйилдиган талаблар ҳақидаги тўлиқ маълумотлар корхонанинг веб-сайтига жойлаштирилган (www.maxam-chirchiq.uz)

Маълумот олиш учун почта манзили: Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси 2-уй

Телефон: + 99870 719-33-23
E-mail: birga@maxam-chirchiq.uz

ПРОФИЛАКТИК ТАДБИРЛАР КУЧАЙТИРИЛГАН ҲОЛДА ОЛИБ БОРИЛМОҚДА

Сергели туманида жойлашган аҳоли турар жойларида "Ёнғин хавфсизлигини таминлаш "долзарб-30" кун тадбири доирасида кенг қамровли профилактик тадбирлар кучайтирилган ҳолда олиб борилмоқда.

Бўлим шахсий таркиби ва ёнғиннинг олдини олиш инспекторлари томонидан аҳоли турар жойлари ўрганилиб, фуқаролар носоз газ ва электр асбобларидан фойдаланишга йўл қўймастик, газ ва электр қурилмаларни назоратсиз қолдирмасликка қақирилмоқда. Ушбу қоидаларга риоя қилмаслик қўнғилсиз ҳодисаларга олиб келиши мумкинлиги тушунтирилмоқда.

К.ЮСУПАЛИЕВ,
Сергели тумани ФВБ бошлигининг Т ва МИБ ўринбосари, майор.

Эълонлар

Болховитинова Анна Захаровна номига 1993 йил 6 апрелда берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи 10-02/13969 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Корбмакер Надежда Юрьевна номига 2011 йил 24 ноябрда берилган хонадонга эгалик ҳуқуқини берувчи 03-02/7176 сонли Давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти жамоаси институт директорининг илмий ишлар ва инновациялар бўйича ўринбосари, к.х.ф.д., катта илмий ходим Яшин Бобоевга сингилси Нилуфар БОБОЕВанинг бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси комплекс таркибидagi
ҳамда бошқа дахлдор вазирлик ва идоралар.

Бош муҳаррир: **Чори ЛАТИПОВ**
Таҳрир хайъати:
Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, Шавкат ҲАМРОЕВ,
Актама ХАЙТОВ, Махмуд ТООИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир ўринбосари),
Раимқул СУЯРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. НАШР ИНДЕКСИ – 144. Буюртма Ғ-717. 1120 нусхада чоп этилди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва сақидиланди.
Таҳрирлик манзили: Тошкент вилояти Қиррай тумани, Университет кўчаси, 2-уй. Телефонлар: 95-080-43-70, 99-050-69-45.
Реклама ва эълонлар – (998 90) 317-19-16. e-mail: info@qishloqhayoti@mail.ru Баҳоқс келишилган нархда.
Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компаниясини босмохонасида босилди.
Босмохона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6



Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топшириш вақти: 18.00